

Бинар таълимини физика ўқитишда қўллаш

**Й.Т.Тўраев, У.Б.Абдиев, И.А.Кенжаев, Ш.Н.Абилфайзиев,
Чоршанбиева Н., Бобоколонова М.**

Термиз давлат университети

Бинар таълими ғояси табиий фанларни ўқитиш технологиясида кенг фойдаланиш имконига эга. Бинар таълим деганда икки ва ундан ортиқ фанларнинг ўзаро боғланишдан иборат ўқитиш жараёнига айтилади. Бинар таълим бинар дарслари орқали амалга оширилади.

Физика табиат ҳодисасининг қонуниятлари ва турли соҳалар орасидаги боғланишларини умумий ҳолда ўрганувчи фан бўлганлиги сабабли, техника олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишда фанлараро боғланиш машғулотларидан самарали фойдаланиш бўлажак муҳандислар учун техник ва иқтисодий масалаларни мустақил ечиш йўллариини ўрганишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Мазкур омилнинг долзарблигини ҳисобга олиб, ўқитишнинг модуль тизими ва педагогик технологияси тақдим этилган.

Бинар таълим услубий адабиётларда етарлича ишланмаган. Уни фанлар боғланиши, фанлар интеграцияси ва бошқа кўринишда таҳлил этишмоқда.

Интегратив таълим икки гуруҳга бўлинади: фаннинг ички интеграцияси, ташқи интеграция.

Ташқи интеграция ички интеграцияга ўхшаш бўлади, фақат бунда фанлараро боғланиш тушунилади. Масалан, физика билан мутахасислик йўналишидаги фанларни ўзаро боғлаб ўқитиш асосида талабаларнинг табиат қонунларини тўғри тушуна боришига, ҳодисалардан амалиётда фойдаланишни амалга оширишга йўл кўрсатади.

Бинар таълими физика-энергетика-иқтисод, физика-кимёвий технология, физика ва иқтисод, метиорология, медицина, астрофизика ва бошқа соҳаларда қўлланилса самарали натижаларга эришилади.

Ушбу фан бўйича бўлғуси инженерларга, ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида, айниқса тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулот технологиясида физик қонуниятларни қўллай билиш кўникмаларини шакллантириш зарур.

Физикага оид дастур материалларни ўтишда кўпчилик мавзуларни тўқимачилик, енгил саноат, қоғоз буюм маҳсулот технологияси йўналишидаги эканлигини кўрсатиб ўтиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Физика дарсини ўтишда бинар таълим технологиясини қўллаш асосида дарсдан кўзланган мақсадга эришиш даражасининг ортиши кузатилган.

Бинар таълимни физика, энергетика ва иқтисод, физика кимёвий технология, физика ва экология астрофизика, физикавий кимё, термодинамика ва кимё шунингдек зарралар физикаси ва нанотехнология мавзуларида олий таълимнинг турли мутахасисликлари йўналишида қўллаш мумкин. Айниқса олий таълим гуманитар йўналишларидаги талабалар учун табиатшуносликнинг замонавий концепциялари деб номланган ўқув

предметидан бинар таълим жорий этилса кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шунингдек, бинар таълимини кўллаш орқали фанлар тизимини яхши ўзлаштиришга ва талабалар илмий дунёқарашини кенгроқ шакллантиришга эришилади.

Адабиётлар

1. Тўраев Й.Т. Физика дарсларида электрокимёвий технология. Тошкент. “ФАН”, 2006, 56 б.
2. Тўраев Й.Т., Абилфайзиев Ш.Н. Физика таълими ва синергетика. Қарши, “НАСАФ”. 2009. 24 б.

Аннотация

Олий таълимда ноанъанавий бинар типдаги дасларни ўтказиш ҳақида мулоҳазалар берилган.

Аннотация

Излагается организация и проведение бинарных уроков при обучении общей физики.